



ILMIY ELEKTRON JURNAL

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Тўлаков Улугбек Тошмаматович

Термиз давлат университети, Молия кафедраси доценти, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация

Мақолада ривожланган мамлакатларда солиқ маълумотларини автоматлаширилган тартибда назорат қилиши ва қайта ишиш, электрон хизматлар орқали солиқ тўловчиларга қулайлик яратиш каби тамошлар қўлланилмоқда. Рақамли иқтисодиётда солиқ солишининг асосий муаммолари, жумладан солиқ солиши ҳудудини аниқлаши, криптовалюта ва электрон транзакциялар сонининг қўпайиши билан боғлиқ хатарларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Хорижий тажрибадан келиб чиқсан ҳолда Ўзбекистонда солиқ маъмуритчилигини рақамлашириши имкониятлари ва истиқболлари кўриб чиқилган.

Аннотация

В статье в развитых странах используются такие принципы, как контроль и обработка налоговых данных в автоматизированном порядке, создание удобства для налогоплательщиков посредством электронных сервисов. Особое внимание также уделено основным проблемам налогообложения в цифровой экономике, включая определение территории налогообложения, риски, связанные с увеличением количества криптовалют и электронных транзакций. На основе зарубежного опыта рассмотрены возможности и перспективы цифровизации налогового администрирования в Узбекистане.

Abstract

In the article, principles such as control and processing of tax data in an automated manner, creating convenience for taxpayers through electronic services are used in developed countries. Special attention is also paid to the main problems of taxation in the digital economy, including the determination of the territory of taxation, the risks associated with the increase in the number of cryptocurrencies and electronic transactions. Based on foreign experience, possibilities and prospects of digitalization of tax administration in Uzbekistan were considered.

Калит сўзлар

солиқлар, солиқ маъмуриятчилиги, солиқка тортиши, солиқ тўловчилар, рақамлаштириши, рақамли иқтисодиёт, электрон хизматлар, криптовалюталар, блокчейн технологиялари, электрон калит, платформалар.

Ключевые слова

налоги, налоговое администрирование, налогообложение, налогоплательщики, цифровизация, цифровая экономика, электронные услуги, криптовалюты, технологии блокчейн, электронный ключ, платформы.

Keywords

taxes, tax administration, taxation, taxpayers, digitization, digital economy, e-services, cryptocurrencies, blockchain technologies, electronic key, platforms.

Кириш

Рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши иқтисодиёт ва давлат бошқарувининг деярли барча соҳаларига катта таъсир кўрсатмоқда, солиқ маъмуриятчилиги ҳам бу жараёндан мустасно эмас. Бугунги рақамли трансформация солиқларни тўлаш ва бошқаришнинг янги усулларини жорий этиш билан бирга, уларни йиғиш, назорат қилиш ва қайта ишлаш жараёнларини ҳам тубдан ўзгартираётган муҳим омил ҳисобланади.

Кўплаб ривожланган мамлакатларда солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштириш устувор вазифалардан бирига айланди, чунки бу жараён солиқ тизимининг шаффоғлиги ва самарадорлигини оширишга қаратилган. Рақамли технологияларни жорий этиш орқали солиқ маълумотларини тўплаш, назорат қилиш ва қайта ишлаш самаралилаштирилмоқда, бу эса жараёнларни автоматлаштириш ва бюрократия даражасини сезиларли даражада камайтиришга ёрдам беради. Электрон хизматлар солиқ тўловчиларга ўз маълумотларига тез ва қулай кириш имкониятини тақдим этиш билан бир қаторда, солиқ органларига солиқ қонунчилигига риоя этилишини самарали назорат қилишга ёрдам беради.

Европа Иттифоқи, Россия, Жанубий Корея ва Сингапур каби давлатлар рақамли солиқ маъмуриятчилигида сезиларли ютуқларга эришиб, электрон декларатция ва автоматик таҳлил тизимларини жорий қилиш орқали солиқ ҳукуқбузарликларини камайтириш ва солиқ йиғимларини оширишга муваффақ бўлдилар. Бу амалиётлар, шунингдек, коррупция хавфини камайтириши билан ҳам аҳамиятлидир, чунки автоматлаштирилган тизимлар қоидабузарликларни тезда аниқлаш ва солиқ операцияларининг шаффоғлигини таъминлаш имкониятига эгадир.

Ўзбекистон ўзининг иқтисодий ва молиявий институтларини модернизация қилиш йўлида ушбу давлатларнинг муваффақиятли тажрибасидан фойдаланиши муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимиз солиқ тизимида электрон декларация, маълумотларни автоматик таҳлил қилиш ва транзакцияларни мониторинг қилиш каби технологияларни жорий этиш орқали солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштиришнинг муҳим босқичида турибди.

Бунда хорижий тажрибанинг энг яхши амалиётларини Ўзбекистон шароитига мослаштириш солиқларни аниқ ва шаффоф йифиш, маълумотларни қайта ишлаш тезлигини ошириш ҳамда коррупция хавфини камайтиришга ёрдам беради.

Бу мақсадга эришиш учун нафақат замонавий технологияларни жорий этиш, балки норматив-хуқуқий базани рақамли давринг янги талаб ва чақириқларига мослаштириш муҳим ҳисобланади.

Адабиётлар таҳлили

Солиқ маъмуриятчилигининг муаммоли масалалари хусусан, иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида ушбу жараённинг ўзига хос хусусиятлари иқтисодчи олимлар А.Вахобов, И.Ниязметов, М.Туйчиев, Ш.Мусалимов, У.Парdev, Ф.Файзиев, А.Назаров, Г.Сафаров, Ш.Тўраев ва бошқалар томонидан ўрганилган. Бироқ, рақамлаштиришнинг жадал ривожланиши, унинг давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларига кириб бориши солиқ тизими учун янги муаммоларни келтириб чиқармоқда, шу муносабат билан бундай шароитда солиқ маъмуриятчилиги масаласи тобора долзарб бўлиб бормоқда.

Тадқиқот методологияси

Мақолада анализ, синтез, назарий умумлаштириш, индукция, дедукция ва бошқа усуллардан фойдаланилган. Тадқиқотнинг методологик ва ахборот базаси сифатида иқтисодчи олимларнинг асарлари, хорижий давлатлар давлат соли хизмати веб-сайтларидаги материаллар хизмат қилди.

Таҳлил ва натижалар мухокамаси

Рақамли технологияларнинг кенг тарқалиши ва бизнеснинг виртуаллашуви туфайли дунё мамлакатлари учун солиқларни бошқариш тобора мураккаблашиб бормоқда. Бу ҳолат электрон транзакциялар ҳажмининг ошиши ҳамда давлатларнинг корхоналар айланмасини назорат қилиш имкониятлари пасайиши билан боғлиқ [1].

Ривожланган мамлакатларда автоматлаштириш ва интеграция тамойилларига асосланган солиқ маъмуриятчилигининг ижтимоий тизими амал қиласи. Ушбу тизимнинг асосий таркибий қисмлари солиқ тўловчилар учун электрон хизматлар ҳисобланади. Турли мамлакатларида солиқ маъмуриятчилигининг турли усуллари қўлланилади. Масалан, Францияда солиқ маълумотларини йифиш ва қайта ишлаш учун рақамли платформа мавжуд бўлиб, у солиқ тўловчиларга давлат органлари билан электрон алоқани амалга ошириш, декларацияларни онлайн тўлдириш ва топшириш, ҳамда ҳисоб-китобларининг ҳолати тўғрисида хабарномалар олиш имконини беради. Бу автоматлаштирилган тизим солиқ қонунчилиги бузилишларини аниқлаш учун ҳам фойдаланилади. Германияда солиқ тўловчилар декларация ва ҳисоб-китобларни топшириш учун маҳсус электр тизимидан фойдаланишлари мумкин. Бу тизим солиқ маълумотларини қайта ишлаш хавфсизлигини таъминлайди ва хатолар сонини камайтиради, бу эса солиқ маъмуриятчилиги жараёнини янада самарали қиласи. Италияда солиқ маъмуриятчилиги учун солиқ тўловчилар ва давлат органлари ўртасида электр алоқасини таъминловчи тизим мавжуд бўлиб, у онлайн тўловларни амалга ошириш, декларацияларни

топшириш ва ҳисобингиз ҳолати ҳақида билдиришномалар олиш имконини беради.

Шунга қарамасдан, рақамли даврда солиқ маъмуриятчилигига дунё мамлакатлари дуч келадиган асосий муаммолар ва таҳдидлар мавжуд.

Рақамли иқтисодиёт шароитида солиқ маъмуриятчилигига юзага келадиган асосий муаммолардан бири солиқ солиш ўрнини аниқлаш ҳисобланади. Шу пайтгача аксарият солиқ қоидалари бизнеснинг у ёки бу мамлакатда жисмонан мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Бироқ, электрон бизнес пайдо бўлиши билан бизнесда инсон омили иштирокисиз битимларни амалга ошириши мумкин, бу эса солиқка тортишга бўлган ёндашувларни ўзгартиради. Бундай компаниялар бир мамлакатда рўйхатдан ўтказилиши ва бошқа мамлакатларда ишлаши ва даромад олиши мумкин, бу эса солиқ солиш жойини аниқлашни қийинлаштиради [2].

Ушбу муаммони ҳал қилиш учун ривожланган давлатлар рақамли корхонага сезиларли эгалик қилиш тамойилига асосланган янги солиқ қоидаларини жорий этишни режалаштирмоқда. Ушбу тамойилга кўра, агар корхона мамлакат ичидаги мунтазам равишда ишласа, катта мижозлар базасига эга бўлса ёки ушбу мамлакатдаги фойдаланувчилар ҳақида катта ҳажмдаги маълумотларни тўпласа, мамлакатда сезиларли иштирокка эга деб ҳисобланади. Бу мамлакатларга корхоналарни солиқка тортиш жойини аниқлаш имконини беради [3].

Рақамли иқтисодиётда солиқ маъмуриятчилигидаги яна бир муаммо криптовалюталар ва блокчейн технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган транзакциялар сонининг кўпайишидир. Ушбу технологиялар номарказлаштирилган ва аноним бўлганлиги сабабли, уларни қўллаш солиқ назоратини мураккаблаштириши мумкин. Ушбу технологиялар молиявий маълумотларни саклаш ва қайта ишлаш усулини ўзгартиради ва солиқка тортишга таъсир қилиши мумкин. Масалан, криптовалюталарнинг ривожланиши солиқ назорати учун мавжуд бўлган молиявий операциялар тўғрисидаги маълумотлар ҳажмининг камайишига олиб келиши мумкин [4].

Ушбу вазифани ҳал қилиш учун ушбу технологияларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда солиқларни назорат қилиш ва ундиришнинг янги усулларини ишлаб чиқиш зарур. Масалан, блокчейн технологиясидан хавфсиз ва шаффоф бўлган номарказлашган солиқ йиғиш тизимини яратишда фойдаланиш мумкин. Масалан, Европа Иттифоқининг баъзи мамлакатлари аллақачон криптовалюталарни солиқка тортиш қоидаларини жорий этишган ва бизнесдан улардан фойдаланган ҳолда амалга оширилган транзакциялар ҳақида хабар беришини талаб қилишмоқда. Шунингдек, криптовалюталар билан молиявий операцияларни мониторинг қилиш учун маҳсус дастурий таъминотни ишлаб чиқиш режалаштирилган бўлиб, бу соҳадаги солиқларни назорат қилиш имконини беради [5].

Яна бир муаммо шундаки, электрон транзакциялар сонининг кўпайиши электрон фирибгарлик ва солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг кўпайишига олиб келиши мумкин. Бунинг сабаби шундаки, электрон транзакцияларни бошқа мамлакатларга осонгина ўтказиш ва аноним тарзда амалга ошириш мумкин.

Бунинг олдини олиш учун Европа Иттифоқи мамлакатлари электрон транзакциялар ва фирибгарлик устидан янада қатъий назорат қоидаларини жорий этишни режалаштирумокда [12].

Бутун дунё ва хусусан, Ўзбекистон олдида турган мухим вазифа киберхавфсизлик даражасини оширишдир. Бугунги кунда барча молиявий операциялар электрон шаклда амалга оширилмоқда, шунинг учун киберхужумлар ва шахсий маълумотларни ўғирлашдан ҳимояни таъминлаш зарур. Жаҳон киберхавфсизлик маркази маълумотларига кўра, 2020 йилда корхоналарга киберхужумлар сони 20% га ошган. Бу эса кибержиноятчилардан ҳимояланиш дунё мамлакатлари учун тобора долзарб вазифага айланиб бораётганидан далолат беради [13].

Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида солик маъмуриятчилиги соҳасида барча мамлакатлар учун муаммо иш ҳақи тузилмасининг ўзгариши ҳисобланади. Замонавий дунёда тобора кўпроқ одамлар фриланс платформаларда ишлайди ва микротўловлар шаклида даромад олади. Бу эса бундай даромадларни солиқка тортишда муаммо туғдиради, чунки бундай шароитда солиқларни назорат қилиш ва ундиришнинг анъанавий усуллари ишламайди. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун ривожланган мамлакатлар рақамли бозор ва фриланс платформаларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда солиқларни йиғишнинг янги усулларини жорий этмоқда. Масалан, алгоритмлар ёрдамида соҳта компаниялар ва платформаларда нотўғри акс эттирилган тўлов маълумотларини аниқлаш мумкин. Шунингдек, келажакда фрилансерларнинг даромадлари ва солик тўловлари тўғрисида мажбурий ҳисботларни жорий этиш режалаштирилган, бу эса ушбу соҳадаги солиқларни назорат қилишга ёрдам бериши мумкин [14].

1-жадвал

Хорижий давлатларда солик маъмуриятчилиги бўйича амалга оширилган ислоҳотлар натижаси¹

Давлат	Ислоҳотлар	Мақсад	Натижалар
АҚШ	Электрон порталлар ва системалар	Солик декларациясини онлайн топшириш имконияти	IRS e-File, TurboTax
Эстония	Махсус рақамли платформалар	Автоматлаштирилган солик ҳисобкитоблари	e-Tax, X-Road
Германия	Солик мажбуриятларини автоматлаштириш	Янгилangan база маълумотлари	ELSTER
Сингапур	Рақамли бошқарув тизимлари	Тезкор солик йиғиш ва тўлов процеслари	IRAS e-Services
Канада	Солик ҳисботини автоматлаштириш	Солик маъмуриятининг жадал юритилиши	CRA My Account
Япония	Рақамли солик йиғиш методлари	Бошқарувнинг самарадорлигини ошириш	e-Tax
Швеция	Дата таҳлил ва автоматлаштириш	Солик ҳисботларида катта миқдордаги маълумотларни фойдаланиш	Skatteverket Online Services

¹ Интернет маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини ошириш йўлидаги мухим қадам бу соҳадаги халқаро ҳамкорликдир. Рақамли бозорнинг чегараси йўқ, шунинг учун қўплаб мамлакатларда фаолият юритаётган компаниялардан солиқларни самарали ундиришни таъминлаш учун бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш зарур. 2021 йил июль ойида 131 та давлат, корпоратив солиқнинг глобал минимал ставкаси тўғрисидаги халқаро битимни имзолади. Ушбу келишув энг паст корпоратив солиқ ставкаси учун мамлакатлар ўртасидаги рақобатнинг олдини олади ва мамлакатлар ўртасида фойдани янадаadolатли тақсимлашга ёрдам беради [15].

Жаҳонда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам иқтисодиётни рақамлаштириш жараёнлари тобора кенг тус олмоқда ва барча соҳаларга, шу жумладан солиқка тортишга ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Солиқ маъмуриятчилиги жараёнларига рақамли технологияларни жорий этиш қисқа вақт ичida катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш, солиқ тўловларининг ҳолати, мамлакат иқтисодиётидаги бизнес жараёнларининг шаффоффлиги ҳақида зарур долзарб маълумотларни тезкор олиш имконини беради. Сўнгги бир неча йил ичida электрон шаклда кўрсатиладиган солиқ хизматлари сони сезиларли даражада ошди (1-жадвалга қаранг). Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси веб-порталининг түз.soliq.uz янги электрон хизмати - солиқ тўловчининг электрон кабинети яратилди, унда электрон рақамли имзо ёрдамида солиқ тўловчига замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда солиқ органлари билан реал вақт режимида ўзаро ҳамкорлик қилиш имконияти берилди. Давлат солиқ хизматининг электрон хизматлари рўйхати доимий равишда кенгайиб бормоқда, бу солиқ тўловчилар томонидан солиқ мажбуриятларини бажаришда қулайлик тамойилини амалга ошириш учун қўшимча имкониятлар яратади ва хизмат кўрсатишнинг демократик давлатини қуриш йўналишида янада илгари силжишга ёрдам беради [6].

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай шарт-шароитларни яратишга қаратилган солиқ ислоҳотларини изчил давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очиқ мулоқоти доирасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштиришнинг қуйидаги асосий устувор вазифалари белгиланган:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ахборот тизимлари комплексининг ягона платформасини яратиш;

солиқ хизмати органларида замонавий бизнес-таҳлил (Business Intelligence) тизимини жорий этиш;

солиқ аудитини автомат тарзда назорат қиласидиган (Case Management System, Case Assessment System) тизимни яратиш;

идоралараро ҳамкорлик орқали ахборот алмашинувида мавжуд муаммоларни бартараф этиш;

солиқ органларига юкландиган вазифалар бўйича бизнес-процессларни ишлаб чиқиш ва уларни автоматлаштириш;

кatta ҳажмдаги маълумотларни бошқариш ва таҳлил қилиш имконини берувчи “Big Data” технологиясини йўлга қўйиш;

солик тўловчи жисмоний шахсларнинг ҳисобини юритишида жисмоний шахсларнинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР)дан фойдаланишга ўтиш;

солик тўловчиларни сегментлаш, хавфлилик даражасидан келиб чиқиб, инсон омилини тўлиқ бартараф этадиган солик назоратини амалга оширишни назарда тутувчи «Таҳлика-таҳлил» тизимини яратиш;

маҳаллий бюджетлар даромадини оширишда маҳаллий соликларнинг ийғилувчанлигини ошириш учун «сайт» тизимини кенг жорий этиш [8, 9].

Олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида, шунингдек, солик органлари маъмурчилигининг интеграциялашуви ракқмлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистонда 57 та хорижий интернет-компаниялар (Facebook, Instagram, Booking, Netflix, Google, Yandex ва бошжалар солик тўловчи сифатида рўйхатга олинди. Солик тўловчиларга солик маъмурчилигини амалга оширишга яқиндан ёрдам бериш натижасида 25116 та тадбиркорлик субъектларининг фаолияти тикланиб, 27189 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. Замонавий солик маъмурчилигига жавоб берадиган интерактив солик хизматларини кўрсатиш хизматини такомиллаштириш доирасида солик органларининг маълумотлар базаси хажми 20 баробарга, 24 терабайтдан 5 петабайтгача оширилди ҳамда интерактив солик хизматлари сони 50 тага етказилди. Ўз навбатида, “Автокамерал” “Таҳлика-таҳлил” ААТ, ЭҲФ ва онлайн НҚМ орқали ҳисботларни автоматик шакллантириш, тузатишлар киритиш, “E-iжара” “Cashback” ва “Soliq” мобиъл иловалари каби замонавий солик маъмурчилигининг янги инструментлари жорий этилди [17].

Ўзбекистон солик маъмуриятчилигига рақамли технологияларни жорий этиш учун катта салоҳиятга эга. Қўйилган мақсадга эришиш учун бир қатор вазифаларни бажариш зарур. Биринчидан, Ўзбекистон солик тўловчилар учун электрон хизматларни кенгайтишида давом этиши, улардан фойдаланиш қулийгини таъминлаши керак. Бунинг учун солик тўловчилар ва давлат органлари ўртасида электрон ҳамкорликнинг ривожланган тизимини жорий этиш зарур. Иккинчидан, катта ҳажмдаги маълумотларни тезкор ва самарали қайта ишлаш имконини берадиган солик маълумотларини қайта ишлашнинг автоматлаштирилган тизимларини яратиш зарур. Бу хатоларни камайтириш ва солик маъмуриятчилиги жараёни самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Учинчидан, Ўзбекистон солик маълумотларини қайта ишлаш хавфсизлигини ва шахсий маълумотларни ҳимоя қилишни таъминлаши керак. Бунинг учун киберхавфсизликнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш ва ахборотни рухсатсиз киришдан ҳимоя қилиш механизмларини яратиш зарур. Бундан ташқари, Ўзбекистон электрон тижорат ва онлайн бизнесни ривожлантиришга ҳисса қўшиши керак, бу эса давлат бюджетига тушумларни кўпайтириш манбаи бўлиши мумкин. Бунинг учун электрон тижорат инфратузилмасини ривожлантиришни таъминлаш ва ушбу соҳа учун аниқ солик қоидаларини белгилаш лозим. Ушбу барча чоралар мамлакатимиз томонидан ривожланган хорижий давлатлар ва солик маъмуриятчилигига рақамли технологияларни

муваффақиятли жорий этаётган қўшни мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак. Ўзбекистон солиқ маъмуриятчилигида рақамлаштириш жараёнини тезлаштириш учун энг яхши амалиёт ва тавсияларни қабул қилиши мумкин. Бугунги қунда Ўзбекистон солиқ маъмуриятчилиги жараёнига рақамли технологияларни жорий этишни фаоллаштиришга муҳтож. Солиқ тўловчилар учун электрон хизматлар, солиқ маълумотларини қайта ишлашнинг автоматлаштирилган тизимлари, солиқ тўловчилар ва давлат органлари ўртасидаги электрон ҳамкорлик солиқ маъмуриятчилиги самарадорлиги ва тезкорлигини ошириш, коррупцияни камайтириш ва солиқ тизимиға бўлган ишончни ошириш имконини беради [7].

Хулоса ва таклифлар

Солиқ қонунчилигига риоя қилиш солиқ жараёнларининг самарадорлиги ва шаффоғлигини оширишнинг муҳим омилидир. Рақамли технологиялар ривожланган хорижий давлатларда солиқ маъмуриятчилиги ёндашувни тубдан ўзгартирди ва янги қоидалар ишлаб чиқилишига олиб келди. Бу технологиялар солиқ йиғиш ва назорат қилиш жараёнларини осонлаштириб, давлат харажатларини камайтириди. Рақамли иқтисодиётдаги янги ҳолатларга мос келадиган қоидаларни ишлаб чиқиши ва электрон транзакциялар устидан кучли назорат ўрнатиш иқтисодий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган.

Ўзбекистон ҳам солиқ маъмуриятчилигига рақамли технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Хорижий давлатлар тажрибасини инобатга олиб, самарали ва хавфсиз ахборот тизимларини жорий қилиш, давлат органлари ва солиқ тўловчилар ўртасида электрон ҳамкорликни ривожлантириш муҳимдир. Шу билан бирга, шахсий маълумотларни химоя қилиш ва электрон тўловлар хавфсизлигини таъминлаш ҳам устувор аҳамият касб этади. Солиқ тўловчиларнинг маълумотларини таҳлил қилиш ва хавфларни баҳолаш учун сунъий интеллект ва машинали ўқитиши алгоритмларини қўллаш ҳамда солиқ тўловчилар фаолиятини масофадан туриб кузатиб бориш учун виртуал назорат тизимларини жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, рақамлаштириш жараёнида технологиялардан самарали фойдаланиш учун солиқ қонунчилигини замонавий талабларга мослаштириш, хукуқий-меъёрий базани такомиллаштириш ва солиқ тўловчиларни ўқитиши ҳамда уларнинг рақамли хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш зарур. Ўзбекистон солиқ маъмуриятчилигида рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали ўз иқтисодиётини модернизация қилиш ва молиявий барқарорликка эришиш йўлида катта қадам ташлаши мумкин. Ўзбекистон халқаро стандартлар ва тавсияларга асосланиб, халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириши керак. Хусусан, Ўзбекистон ҳам корпоратив солиқнинг глобал минимал ставкаси тўғрисидаги халқаро битимга аъзо бўлиши шарт.

Булар солиқ тизимиға ишончни ошириш, коррупцияни камайтириш ва солиқ жараёнларини автоматлаштиришга ёрдам беради. Шу билан бирга, солиқ тўловчилар учун янада қулай шароит яратиш мақсадида электрон хизматларни кенгайтириш ва автоматлаштирилган тизимларни жорий этиш зарур.

Мамлакатлар ўртасидаги тажриба ва тавсиялар алмашинувини кучайтириш Ўзбекистоннинг солик маъмуриятчилигига рақамли технологияларни муваффақиятли жорий қилишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. OECD (2019). “Tax Administration 2019: Comparative Information on OECD and other Advanced and Emerging Economies.” Хисоботи.
2. Bird, R.M., & Zolt, E.M. (2005). “Technology and Taxation in Developing Countries: From Hand to Mouse.” eJournal of Tax Research.
3. Gupta, S., Keen, M., Shah, A., & Verdier, G. (2017). “Digital Revolutions in Public Finance.”
4. McKinsey & Company (2021). “The Role of Digital Technology in Modern Tax Administration.”
5. Pomeranz, D. (2015). “No Taxation Without Information: Deterrence and Self-Enforcement in the Value Added Tax.” American Economic Review.
6. То‘лаков, У. (2023). Soliq ma’muriyatichilagini takomillashtirish orqali makroiqtisodiy barqarorlikka erishish usullari. “Soliq ma’muriyatichilagini takomillashtirish orqali makroiqtisodiy barqarorlikni ta’minalash istiqbollari” mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy konferentsiya materiallari to‘plami, 44-47.
7. Тўлаков, У.Т. (2024). Самарали солик маъмуриятчилигини таъминлашнинг назарий ва концептуал асослари. “Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида солик-бюджет сиёсатини амалга оширишнинг устувор йўналишлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция тўплами, 32-34.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 февралдаги «Тадбиркорлик субъектларини тоифаларга ажратиш мезонлари ҳамда солик сиёсати ва солик маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-21-сон Фармони
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 4 сентябрдаги «Давлат солик қўмитаси Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш стратегияси»ги ПҚ-447-сон Қарори
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 августдаги “Кўшилган қиймат солиги маъмуриятчилигини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-5231-сонли Қарори
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 апрелдаги “Бюджетлараро муносабатларни ва солик маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-208-сонли Қарори
12. <https://www.oecd.org/tax/> - OECD солик маъмуриятчилиги ва глобал солик сиёсати бўйича тадқиқотлар ва хисботлар.

13. <https://www.imf.org/en/Topics/tax-policy> - International Monetary Fund (IMF) - Tax Policy. Солиқ сиёсати, рақамлаштириш ва глобал иқтисодиётга таъсир кўрсатувчи масалалар бўйича турли тадқиқотлар.
14. <https://www.worldbank.org/en/topic/taxpolicyandadministration> - World Bank - Tax Policy and Administration. Жаҳон банки солиқ тизими ва рақамли технологияларнинг солиқ маъмуриятчилигига таъсири ҳақида материаллар.
15. https://ec.europa.eu/taxation_customs/home_en - European Commission - Taxation and Customs Union. Европа Иттифоқининг солиқ сиёсати ва маъмуриятчилигидаги рақамли технологиялар ҳақида маълумотлар.
16. <https://my3.soliq.uz/> - Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг электрон солиқ хизматлари портали
17. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2023 йил якунлари ҳисоботи.